

**МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТАЖРИБА
ПАХТА ПЛАНТАЦИЯЛАРИ ТАРИХИНИНГ АРХИВ
ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ**

Авазбек МИРЗАЕВ

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Андижон давлат университети
Андижон, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада мустамлакачилик даврида Туркистон ўлкаси, хусусан, Фарғона водийсида пахтачиликнинг ривожланиши тарихида тажриба пахта далалари ва плантацияларининг муҳим ўрин тутгани ҳақидаги архив ҳужжатлари манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: пахта, нав, тезпишар, чатиштириш, плантация, тола, ўғит, суғориш, инструктор, лаборатория.

**ОСВЕЩЕНИЕ ИСТОРИИ ОПЫТНЫХ ХЛОПКОВЫХ
ПЛАНТАЦИЙ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ В КОЛОНИАЛЬНЫЙ
ПЕРИОД В АРХИВНЫХ ДОКУМЕНТАХ**

Авазбек МИРЗАЕВ

доктор философии (PhD) по историческим наукам
Андижанский государственный университет
Андижан, Узбекистан

Аннотация

В статье с точки зрения источниковедения анализируются архивные документы о важной роли опытных хлопковых полей и плантаций в истории развития хлопководства Туркестанского края, в частности Ферганской долины.

Ключевые слова: хлопок, сорт, скороспелый, гибридизация, плантация, волокно, удобрение, ирригация, инструктор, лаборатория.

Маълумки, Ўзбекистон халқи мустақилликка эришганидан кейинги даврда Ватанимиз тарихини ҳаққоний ва холисона ёритиш имконияти яратилди. Бунда юртимиз тарихини ўрганишда ёзма манбалар муҳим ўрин эгаллайди. Туркистон ўлкасида Россия империясининг мустамлакачилик даври тарихига доир ёзма манбалар орасида, энг аввало подшо ҳукуматининг расмий идоралари фаолиятига оид расмий ҳужжатларда ижтимоий-сиёсий, айниқса, иқтисодий муносабатларнинг ёритилиши катта аҳамият касб этади.

Ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини тиклашда архив ҳужжатларининг аҳамияти каттадир. Илгари ўрганилмаган, истибдод мафқурасига мос

тушмаганлиги учун четлаб ўтилган архив ҳужжатларини илмий муомалага киритиш чоризм ва шўро мустамлакачилари сиёсатининг асл моҳиятини очиб беради ва халқимизни ҳақиқий тарихини ёритишга ёрдам беради [1; 7-8].

Подшо Россияси Марказий Осиёни босиб олганидан кейин Туркистон ўлкасида таркиби Туркистон генерал губернаторлиги, областлар ва уездлардан иборат бошқарув тизимини ташкил этган. Булар қаторида, Туркистон ўлкаси Деҳқончилик ва Давлат мулклари бошқармаси асосан қишлоқ хўжалиги соҳасини, жумладан, пахтачилик тармоғини бошқарган. Ўзбекистон Республикаси Миллий архивида сақланаётган Деҳқончилик ва Давлат мулклари бошқармасининг 7-фонди материаллари орасида бу даврда ўлкада, хусусан, Фарғона водийсида пахтачиликнинг ривожланиши масалалари баён этилган кўплаб архив ҳужжатлари учрайди.

Империя марказида жойлашган тўқимачилик фабрикаларини кўп миқдорда сифатли пахта толаси билан таъминлаш учун подшо ҳукумати ўлкада пахтачиликни ривожлантиришга, энг аввало, тезпишар, ҳосилдор ва толаси пишиқ америка пахта навларини иқлимлаштиришга эътибор қаратди. Бу хусусда қулай иқлим шароитга эга ва унумдор тупроқли ҳудудда жойлашган Фарғона водийси муҳим ўрин эгаллаган. Асосан Америкадан келтирилган серҳосил ва тезпишар пахта навларини маҳаллий шароитга мослаштириш ва иқлимлаштиришда Туркистон ўлкаси, хусусан, Фарғона областининг уездларида ташкил этилган тажриба пахта далалари ва уруғчилик пахта плантациялари ўзига хос ўрин тутган.

Дастлаб, бу даврда Наманган уездида фаолият кўрсатган Пахталикўл тажриба пахта даласининг ташкил этилиши масаласини архив ҳужжатлари асосида таҳлил этамиз. Туркистон ўлкаси Деҳқончилик ва Давлат мулклари бошқармаси бошлиғининг Наманган уездида Пахталикўл тажриба пахта даласини ташкил этиш масаласидаги маърузаси, 1902 йил 20 октябрда №7447 рақами билан қайд этилиб, Туркистон Генерал-Губернаторига тақдим этилган.

Маърузада баён этилишича, Фарғона области Ҳарбий Губернатори томонидан 1899 йил январь ойида, Наманган уездидаги "Пахталикўл" қишлоғида жойлашган давлатга тегишли ер майдонида тажриба даласини ташкил этиш масаласида Деҳқончилик Бошқармасига расмий илтимоснома киритилган. Шундан кейин, Фарғона области ҳарбий губернатори томонидан 1902 йил 9 июлдаги №9058 рақамли алоқа хати орқали ҳам Наманганда тажриба пахта даласини ташкил этиш зарурлигини етарли асослар орқали маълум қилган. Пахталикўл тажриба даласи ўзининг қулай ерда жойлашгани туфайли, пахтачиликни ривожлантиришдаги асосий вазифаси ерга ишлов бериш техникасини яхшилаш ва аҳолига пахтанинг сара чигитларини тарқатишдан ташқари, давлатга катта даромад келтириши ҳам таъкидлаб ўтилган. Деҳқончилик бошқармасининг қишлоқ хўжалик ишлари бўйича мутахассиси агроном Шахназаров, Наманганда ташкил этиладиган тажриба пахта даласини бошқариш ишига Наманган уезди давлат мулклари мудирини тайинламасдан, балки қишлоқ хўжалиги соҳасида махсус билимларга эга бўлган бошқа мутахассисни тайинлашни таклиф этган. Тажриба пахта даласини ташкил этиш учун сарфланадиган харажатларда иш ҳайвонлари ва деҳқончилик қуроллари қаторида "Жин" пахта тозалаш дастгоҳи, яъни, тола ажраткич – пахта толаларини чигитдан ажратиб оладиган машина [2;151] ва унга тегишли жиҳозлар ҳам зарурлиги таъкидлаб ўтилган [3; 3-7].

1912 йилда Тошкентда бўлиб ўтган пахта етиштирувчилар съездининг 30 ноябрдаги йиғилиши қарорида, Фарғона вилояти Агрономлари ташкилоти томонидан пахта далаларининг ўғитланишини кенг тарғибот қилиш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар тўғри усул эканлиги, пахта плантацияларига етказиб берилган янги нав чигитлар, уларни тез фурсатларда кўпайтириш мақсадида, ушбу плантациялар фаолият кўрсатаётган районларда кўпроқ тарқатилиши мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидлаб ўтилган [4;21-22].

1915 йилги архив ҳужжатларида баён этилишича, Фарғона областидаги пахта плантациялари ва тажриба далалари қаторида, Наманган уездидаги Қизилравот уруғчилик пахта плантацияси ҳам фаолият кўрсатиб, у жойда

қишлоқ хўжалик ишлари бўйича мутахассис Николаев пахтачилик бўйича инструкторлик қилган. Ушбу хўжаликда 25 пудгача оғирликни ўлчайдиган тарози, асосий иш ҳайвони ҳисобланган 11 та от ва уларга қўшиладиган аравалар, 8 та чиғирик, яъни, пахтани чигитидан ажратиш учун ишлатиладиган қадимги қўл асбоби [5;502], кетмонлар, шунингдек, метеорология станциясида ҳаво ҳароратини ўлчайдиган термометрдан ташқари, тупроқ юзаси ҳароратини ҳам ўлчайдиган 4 хил термометр, пахта даласига ишлов беришда 9 та “Бр. Донских” русумли плуглар, 5 та “Липгарт” русумли чопиқ асбоблари, 4 та “Сакка” русумли бороналар, яъни, ҳайдалган ернинг юза қисмини текислаш, кесакларни майдалаб, қатқалоқни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик қуроли; сихмола [6;318], 3 та “Планет” русумли пропашник, яъни, экин қатор ораларига ишлов берадиган иш қуроллари, 5 та “Баннер” русумли пахта сеялкалари, 4 та француз бороналари қўлланилган [7;15-18].

Наманган уездидаги Қизилравот уруғчилик пахта плантациясининг кейинчалик номи ўзгартирилиб, Фарғона пахта селекция станцияси деб аталгани Туркистон ўлкаси Деҳқончилик ва Давлат мулклари бошқармаси фондидаги архив ҳужжатларида баён этилган.

Наманганда жойлашган Фарғона пахта селекция станциясининг мудирини А.Любчин томонидан 1915 йил 12 декабрда №455 рақами билан чиқиш журналида қайд этилиб, Деҳқончилик бошқармасига жўнатилган хат орқали 1916 йилда Фарғона селекция станциясини таъминоти учун ажратиладиган харажатларнинг ҳисоботини нусхаси тақдим этилган.

Мазкур ҳужжатдаги селекция станцияси мудирини А.Любчин тузган жадвалда 1915-1916 йиллар учун ажратилган маблағлар миқдоридан ташқари, харажатларнинг номи ҳам кўрсатилган. Мазкур муассасада қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш, пахта тозалаш заводи ва устахоналар учун материаллар, суғориш тармоғини тозалаш, қўшимча асбоб-ускуналар сотиб олиш, иш ҳайвонлари учун емиш сотиб олиш, 1-1,5 десятина пахта даласида синов ўтказиш, 10 десятина дала участкасида ғўза навлари гибрид

(чатишма)лари ва чигитларга ишлов бериш, 10 десятина дала участкасида пахта навларини иклимлаштириш ва кўпайтириш учун тажриба ўтказиш, парник, яъни, иссиқхонада ғўза кўчатини етиштириш, ўғитлар сотиб олиш ва бошқа чора-тадбирлар ҳам амалга оширилган.

Наманганда жойлашган Фарғона пахта селекцияси станцияси мудир А.Любчин томонидан 1916 йил 10 сентябрда чиқиш журналида № 357 рақами билан қайд этилиб, Туркистон ўлкаси Дехқончилик ва Давлат мулклари бошқармасига юборилган алоқа хатида, 1916 йил 8 сентябрь куни Наманган шаҳрига келган Туркистон генерал губернатори генерал адъютант Куропаткин, Фарғона области ҳарбий губернатори полковник Иванов ва уездлар маъмурияти вакиллари ҳамроҳлигида Қизил Ровот қишлоғида жойлашган Фарғона пахта селекция станциясига ташриф буюрган. Куропаткин станцияда пахтачиликда қўлланиладиган дехқончилик асбоб-ускуналари ва машиналарини кўздан кечирган, уларнинг айримларига эътибор қаратган, улардан қандай мақсадда фойдаланилишини ва амалда қўлланилишини тушунтириб беришни сўраган. Шундан сўнг Куропаткин станциядаги лабораториянинг фаолияти билан батафсил танишган. Бу жойда Куропаткин ғўзани гибридлаш ишига алоҳида эътибор қаратган. Бундан ташқари, станцияда, ғўза навларини сунъий чатиштириш жараёни ва чатиштиришнинг учта бўғини бўйича олинган натижалар, намуналаридаги толанинг майинлиги, узунлиги ва рангини тақдим этиш орқали намойиш этилган. Фарғона пахта селекцияси станциясининг фаолияти тўғрисида қисқача маълумотга эга бўлган Куропаткин, пахта селекция станциясини ўзининг алоҳида ҳомийлигига олишини билдириб, фахрий меҳмонлар китобида, пахтадан ташқари бошқа турдаги ўсимликларни ҳам экишни тавсия этиб, ёзиб қолдирган [8;1-11].

Шунингдек, Фарғона пахта селекция станцияси фаолиятига оид архив материалларидан маълум бўлишича, Биринчи жаҳон урушига сафарбарлик туфайли ишчи кучининг етишмаслиги оқибатида мазкур муассасада 1916 йилдан бошлаб ҳарбий асирлар меҳнатидан фойдаланилган. Туркистон ўлкаси

Дехқончилик ва давлат мулклари бошқармаси бошлиғи томонидан берилган, 1916 йил 22 ноябрда № 15139 рақами билан қайд этилган гувоҳномага кўра, ҳарбий асир Иосиф Ярославович Пржибан, ўлка бошлиғининг рухсатига кўра, бошқарма томонидан Фарғона пахта селекция станциясининг мудирининг ихтиёрига шу станцияда ишлаш учун юборилган. Ишчилар етишмаётгани сабабли Андижон тажриба қишлоқ хўжалик станциясига 10 нафар, Фарғона пахта селекция станциясига 3 нафар, Красноводск тажриба даласига эса 5 нафар ҳарбий асирларни озод қилиб жўнатиш сўралган. Мазкур тажриба муассасалари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ўлканинг хўжалик ҳаётида катта ўрин тутган давлат иши – пахтачилик учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши, тажриба муассасаларининг асосий вазифаси – пахта етиштиришда ерга ишлов беришнинг техник усуллари ишлаб чиқиш, ғўзанинг селекцияси ва гибридлашни ўрганишдан иборат эканлиги баён этилган [9;19].

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мустамлакачилик даврида Туркистон ўлкаси, хусусан, Фарғона водийсида пахтачиликнинг ривожланишида тажриба пахта далалари ва плантацияларининг муҳим ўрин тутгани ҳақидаги маълумотларнинг архив ҳужжатларини таҳлил этиш орқали илмий муомалага киритилиши мамлакатимиз тарихини ёритишда катта аҳамиятга эга.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Тафакур бўстони, 2015.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.
3. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви Фонд И-7, 1- рўйхат, 2466-иш.
4. Ўз МА Фонд И-7, 1- рўйхат, 3144-иш.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Тўртинчи жилд. – Тошкент6 Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Биринчи жилд. –
Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.

7. Ўз МА Фонд И-7, 1- рўйхат, 3439-иш.

8. Ўз МА Фонд И-7, 1- рўйхат, 3434-иш.

9. Ўз МА Фонд И-7, 1- рўйхат, 3434-иш.